

20 февраль 2015 йил А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти тингловчилари (таълим муассасалари раҳбарлари) билан “Огоҳлик давр талаби” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди

Тадбирни А.Авлоний номидаги марказий институт ректори М.Юлдашев очиб берди.



Институт ректори ўз сўзида 2014 йилнинг 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва ҳавф-хатарнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта” – деб таъкидлаганларини эслатиб ўтди. Ушбу таҳдидлар аҳолининг, аввало ёшларнинг онгини заҳарлашга қаратилганини кайд этиб, таълим муассасаси раҳбарлари зиммасига мамлакатимиз ёшларини мазкур ҳавф-хатардан асраш мақсадида уларга юз бераётган воқеликлар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилганини таъкидлади.



Шунингдек, XXI аср вабоси - ОИТС касаллиги ҳамда уни келтириб чиқараётган сабаблардан бири наркотик моддаларнинг кенг тарқалишини олдини олишга қаратилган чора тадбирларни ташкил этишда таълим муассасаси раҳбарларининг масъулиятини оширишга бағишланган давра суҳбатларини ташкил этиш Марказий институтда анъанага айланиб қолганини маълум қилди.

“Огоҳлик давр талаби” мавзусидаги бугунги давра суҳбатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳамда Республика ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари иштирок этаётганлари тўғрисида тўхталиб, тadbирга ташриф буюрган мутахассисларни иштирокчиларга таништирди.

Дастлаб сўз Республика ОИТСга қарши кураш маркази врач эпидемиологи **Севара Хошимова**га берилди.



Севара Хошимова ўз сўзида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бунинг учун уларга турли наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг зарарли ва аянчли оқибатлари тўғрисида далилларга асосланган ҳолда маълумот бериш ота-оналар қатори таълим муассасаларининг ҳам вазифаси эканлигини қайд этди. Маърузачи бугунги кунда ОИТС касаллигининг жаҳоннинг қатор мамалакатларида вабо каби тарқалаётгани, бу касаллик бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмаётгани ҳақида тўхталиб, касалликнинг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар хусусида сўз юритди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази мутахассиси **Хатам Джалалов** давра суҳбати иштирокчиларига Республика ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили февраль ойида “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги” ўтказилиши йўлга қўйилгани, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишнинг ижтимоий хавфи жамиятнинг моддий зарарлари билангина чекланмаслиги, ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) ва бошқа хавфли касалликларнинг тарқалиши, уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши, террористик ташкилотларни маблағ билан таъминлаш ҳам гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатларига кириши ҳақида сўзлаб, наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари, унинг профилактикаси, Республикамиздаги бугунги ҳолат ва ушбу оғуни ёшлар томонидан истеъмол қилиниши олдини олиш борасида таълим муассасалари раҳбарларининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.



Тошкент Ислон университетининг малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультети декани **Жасур Нажмиддинов** диний экстремизм ва терроризмнинг бугунги кунда бирлашиб кетгани, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бугунги кунда дунёнинг барча ҳудудларида унинг авж олаётгани ва мазкур ҳолатларнинг мамлакатимизда рўй бериши олдини олиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, ёшларимизнинг турли экстремистик диний оқимларга кириб қолмасликлари учун таълим муассасалари раҳбарларининг олдида турган вазифалар тўғрисида ҳужжатли далилларга асосланган ҳолда маъруза қилди.



Кўрилган масалалар юзасидан давра суҳбати қатнашчиларини қизиқтирган саволларга соҳанинг масъул ходимлари томонидан атрофлича тушунтиришлар берилди ва ўзаро фикр алмашилди.

Тингловчилар учун намоиш этилган “Оллоҳ қалбимизда-юрагимизда”, “Оқ ажал тажовузи” ва “Жаҳолат чанғалида” каби фильмлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ташкил этилган бугунги давра суҳбатида билдирилган хулоса ва таклифлар асосида “Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси”да белгиланган вазифалар доирасида ҳар бир раҳбар ўз иш режасини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқлиги Институт ректори томонидан таъкидланди.

LanguageUzbek